



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI SHO‘RCHI TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Sho‘rchi tumani, Mustaqillik ko‘chasi 72-uy. 191500 tel.: (+99876) 457-41-00, shurchi\_t@exat.uz

20 21-y “ 10 ” aprel

Қ-723 -son

Sho‘rchi t.

**Шўрчи тумани “Гулистон” маҳалласи  
худудидан ичимлик сув кудуғи казиш учун ер  
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини амалга ошириш мақсадида, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 25 мартдаги 100-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг 2021 йил 20 мартдаги “2021 йил Сурхондарё вилоятида қишлоқ ва маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215/IV-24-сонли қарори бўйича берилган топшириқларни ижросини таъминлаш, аҳолининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ҳамда Шўрчи туман ҳокимлиги ҳузуридаги қурилиш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиб бериш (реализация қилиш) комиссиясининг 2021 йил 7 апрелдаги далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-25-моддаларига мувофиқ,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Шўрчи туман ҳокимлиги ҳузуридаги қурилиш учун ер участкаларини танлаш ва ажратиб бериш (реализация қилиш) комиссиясининг 2021 йил 7 апрелдаги далолатномаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шўрчи туман “Гулистон” маҳалласи ҳудудида туман ҳокимлиги захирасида бўлган умумий ер майдони 450,0 кв.метр ер майдонида 1 дона ичимлик сув кудуғини казиш, янгидан 25 м3 сифимга эга сув минорасини ўрнатиш, янгидан ТП-25 ўрнатиш, сув кудуғига янгидан ЭЦВ-8-25-70 сув насосини барча жиҳозлар билан ўрнатиш ва маҳалла кўчалари бўйлаб 8,6 км полетилен сув қувири тортиш учун 8600 пм ер майдони ажратилсин.

3. Сурхондарё вилоят “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг Компанияси (Б.Эламанов)дан ушбу объект қурилиши бўйича тегишли шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан техник шартлар, тавсиялар ва экологик экспертиза ҳулосаси олиш, архитектура режа топширигини ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш сўралсин.

4. Вилоят қурилиш ишлар соҳасида ҳудудий назорати инспекциясидан қурилиш мантаж ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиб бориш сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ш.Шокиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Худойберганов